

**Алтиев Раззоқ Саидович,**

Тошкент давлат юридик университети  
мустақил изланувчиси



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-8-12>

### **ФИРИБГАРЛИК ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ТАВСИФИ**

**Аннотация:** Мазкур мақолада фирибгарлик тушунчаси, фирибгарликка қарши курашнинг долзарблиги ҳамда фирибгарликнинг жиноят-ҳуқуқий тавсифи очиб берилган.

**Калит сўзлар:** фирибгар, фирибгарлик, мулк, алдаш, ишончни суиистеъмол қилиш

---

**Алтиев Раззоқ Саидович,**

самостоятельный соискатель  
Ташкентского государственного  
юридического университета

### **ПОНЯТИЕ МОШЕННИЧЕСТВА И ЕГО УГОЛОВНО-ПРАВОВАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА**

**Аннотация:** В данной статье были раскрыты понятие мошенничества, актуальность противодействия мошенничеству и уголовно-правовая характеристика мошенничества.

**Ключевые слова:** мошенник, мошенничество, имущество, обман, злоупотребление доверием

---

**Altiev Razzok Saidovich,**

Independent researcher of the  
Tashkent State University of Law

### **THE CONCEPT OF FRAUD AND ITS CRIMINAL AND LEGAL CHARACTERISTICS**

**Annotation:** This article discloses the concept of fraud, the relevance of anti-fraud and criminal-legal characteristics of fraud.

**Key words:** subject of fraud, fraud, property, deception, breach of trust

---

**For citation:** Altiev Razzok Saidovich. THE CONCEPT OF FRAUD AND ITS CRIMINAL AND LEGAL CHARACTERISTICS. Journal of Law Research. 2019, 8 vol., issue 1, pp. 74-82

---

---

**Ж**амият кишиларсиз бўлмаганидек, жамият муксиз ҳам бўлиши мумкин эмас. Ҳар қандай жамият асосида мулк ва мулк ҳуқуқи мавжуд бўлади. Демак, шахс ва мулк жамият асосини ташкил этади, десак хато қилмаган бўламиз. Шу сабабли, шахсни ва мулкни ҳимоя қилиш жиноят қонунининг устувор вазифалари бўлиб келган.

Мулкни фирибгарлик йўли билан талон-тарож қилишнинг анча кўп тарқалганлиги ва унинг жамиятга кўп миқдорда зарар етказиши, унинг олдини олиш заруриятини келтириб чиқаради. Ҳозирги кунда фирибгарликнинг умумий динамикаси, унинг кўринишлари кўпайиб бораётганлиги ҳам мавзунинг долзарблигидан далолат беради. Ундан ташқари, ҳаёт кечириш учун зарур маблағларни одамларни алдаш йўли билан топаётган шахс фақат жиноятчи сифатида хавfli бўлмай, унинг қилмиши туфайли давлатга, фуқароларга моддий зарар етказилиши билан бир қаторда, фирибгарлик оқибатлари аҳолига, айниқса ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатади. Шундай экан, жиноятчиликка қарши курашувчи органларга маъсулият юклатади. Зеро, Президентимиз Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йил 15 ноябрдаги "Тартиб-интизом ва маъсулиятни кучайтириш, жиноятчиликнинг олдини олиш муҳитини мустаҳкамлаш - ҳуқуқбузарлик профилактикаси самарадорлигининг асосий омилidir" номли марузаларида 2017 йилнинг 10 ойи мобайнида умумий жиноятлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 14 фоизга, шундан талончилик 16 фоизга, босқинчилик - 19 фоизга, қотиллик - 21 фоизга, товламачилик - 22 фоизга, безорилик - 34 фоизга камайишига эришилганлиги ва кўрилатган чораларга қарамасдан, фирибгарлик билан боғлиқ жиноятларни кескин камайитиришга эришилмаётгани таъкидлаб ўтилди. Бундай жиноятларнинг асосий сабаблари фуқаролик муносабатларини қонун доирасида амалга оширмасликка бориб тақалади. Оқибатда бу содда одамларнинг жиноят қурбони бўлишига олиб келмоқда[1].

Ўзбекистон мустақилликка эришиши билан бозор иқтисодига асосланган ривожланиш йўлини танлади. 1994 йил 22 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси қабул қилиниши билан жиноят қонуни вазифалари қайта кўриб чиқилиб, конституциявий тамойилларга асосланиб мулкчилик шакллари бир хилда ҳимоя остига олинди. Эндиликда "давлат мулки", "социалистик мулк", "жамоат мулки" тушунчаларидан воз кечилиб, жиноят қонунинида "мулк" тушунчаси универсал кўринишда фойдалана бошланди.

Бозор иқтисодининг асоси мулк ва мулкый муносабатлар билан боғлиқ бўлгани сабабли, илк мустақиллик даврида қабул қилинган қонунлардан бири "Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида" қонуни бўлди. Ушбу қонуннинг 1-моддасида мулк ҳуқуқи тавсифи келтирилиб, мазкур қонун мулк шакллари, мулк ва мулкдор ҳуқуқларининг кафолатлари аке эттирилган Ўзбекистон Республикасининг илк қонун ҳужжати бўлди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши билан мулк ва мулкдор ҳуқуқлари кафолати конституцияда мустаҳкамланди. Шундан сўнг, бир қатор қонун ҳужжатларида мулк ҳуқуқи ва мулкдор ҳуқуқлари кафолатлари мустаҳкамланди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, 2012 йил 24 сентябрдаги "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, 2012 йил 2 майдаги "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги,

---

---

2012 йил 5 декабрдаги "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда 1998 йил 19 ноябрдаги "Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида"ги, 2005 йил 14 июндаги "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2011 йил 24 августдаги "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, 2011 йил 4 апрелдаги "Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, 2005 йил 14 июндаги "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида "Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устуңлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин"лиги белгиланган. Конституциянинг ушбу нормасидан мулк ҳуқуқи ҳар қандай шахснинг конституциявий ҳуқуқи деган хулосага келиш мумкин.

Фирибгарлик мулкка тажовуз қилишнинг бир туридир. Фирибгарлик шароитга мослашувчан бўлиб, турли кўринишларда номоён бўлади. Шу сабабли, фирибгарликка қарши курашни кучайтириш лозим.

Фирибгарлик учун жиноят кодексида жавобгарлик ўрнатилган бўлиб, жиноят қонунидаги фирибгарлик тавсифи унинг таърифи сифатида ишлатилиб келинади. ЖКнинг 168-моддаси диспозицияси қуйидагича акс эттирилган: "Фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишонччи суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкни ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш". Ушбу таърифнинг универсал хусусият касб этиши тергов ва суд органлари учун қилмишни квалификация қилишда жуда қулай ҳисоблансада, жиноятчи шахси, унинг фирибгарлик содир этиши сабаблари, усуллариининг турларга ажратилмаслиги фирибгарлик жиноятчилигининг статистикасини юқорилигича қолишига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2017 йил 27 июль куни жиноятчилиқнинг олдини олиш, давлат идоралари ва жамиятнинг бу борадаги масъулиятини ошириш масалаларига бағишланган видеоселектор ййгилишида, давлатимиз раҳбари фирибгарлик жиноятчилиқининг юқорилигига алоҳида эътибор қаратди.

2017 йилда жиноятлар 2016 йилга нисбатан 16 фоизга, 2017 йил 6 ойида эса 39 фоизга камайган. Лекин қасддан одам ўлдириш, қасддан баданга оғир шикаст етказиш, талончилик, босқинчилик, ўғрилик ва фирибгарлик жиноятларининг сони юқорилигича қолганлиги таъкидланди.

Таҳлилларга кўра, 2016 йилда фирибгарлик жинояти жами содир этилган жиноятларнинг 11,7 фоизини ташкил қилган бўлса, 2017 йилда бу кўрсаткич

---

---

13,1 фоизни ташкил қилган [2]. 2018 йил якуни бўйича республика бўйича 6483 та фирибгарлик жинояти содир этилган бўлиб, бу кўрсаткич 2017 йилга нисбатан 32,78 фоизга камайган. 2018 йилда статистик кўрсаткичлар камайган бўлсада, фирибгарликнинг умумий жиноятдаги ҳиссаси 15,1 фоизни ташкил этмоқда. Фирибгарликнинг салмоқли қисми Тошкент шаҳри (1296 та ёки 20%), Фарғона вилояти (840 та ёки 13%), Самарқанд (632 та ёки 9,7%) ва Тошкент вилояти (557 та ёки 8,6%) ҳисобига тўғри келган. Энг ачинарлиси 2018 йилда содир этилган фирибгарлик жиноятининг 7,4% (478та)и қош этилмасдан қолган. Ушбу келтирилган статистик таҳлиллар мавзунинг долзарблигини, фирибгарлик тушунчасини ва турларини қайта кўриб чиқиш лозимлигини кўрсатмоқда.

Таҳлиллар натижаси фирибгарлик усулларининг (турларининг) ихтисослашуви, яъни ушбу жиноят усулларининг модернизациялашуви жараёнида бугунги кундаги фирибгарликка қарши кураш чораларини самарасизлиги яққол кўриниб қолмоқда. Фирибгарликка қарши курашни, олдини олишни самарали чораларини ишлаб чиқиш учун даставвал фирибгарлик тушунчасини таҳлил қилиш лозим.

Фирибгарлик тушунчасига турли адабиётларда ёндашув турлича бўлиб, асосий ёндашув жиноятнинг объектив томони, яъни мулкка тажовуз қилишнинг усули билан изоҳланган. Фирибгарлик тушунчасига изоҳ беришда луғавий, теологик, жиноят ҳуқуқий (доктринал) ва хорижий давлатлар қонунчилиги асосида ёндашувдан келиб чиқишни лозим топдик.

Биринчи: Фирибгарлик тушунчасининг таҳлилин унинг луғавий маъносини ўрганишдан бошлаймиз. Ўзбек тили изоҳли луғатида "Фириб" (алдовчи, алдамчилик, йўлдан оздириш, ҳийла, макр) кишини қасддан адаштириш, қўлга тушириш, алдаш, ҳийла-найранг; макр маъноларини билдиради. "Фирибгар" (фриб берувчи, ҳийлагар, алдоқчи) алдамчилик, товламачилик, макру ҳийла билан шугулланувчи кимса; товламачи, ҳийлагар маъноларини билдиради. "Фирибгарлик" - алдамчилик, ҳийлагарлик маъноларини билдиради [3]. Фирибгарлик салбий бўёқдорликка эга тушунча бўлиб, шахсга нисбатан ёмон тавсиф берилганида ишлатилади.

Иккинчи: Фирибгарлик на фақат қонун билан диний ақидалар билан ҳам таъқиқланади. Исломда алдов, фирибгарлик, бировни чув тушуриш, савдо-сотикда алдамчилик билан изоҳланади ва таъқиқланади. Ҳадисларда "Кимки ҳайда, фириб берса, биздан эмас!" [4], "Кимки оиласидаги ёки қўшнисидаги мусулмонни алдаса, биздан эмас!", "Эй, одамлар! Мусулмонлар орасида фирибгарлик йўқ! Кимки бизни алдаса, у биздан эмас!" [5], дейилган.

Учинчи: ЖКнинг X боби "Ўзгалар мулкани талон-торож қилиш" деб номланиб, 168-моддада фирибгарлик жинояти тушунчаси келтирилган. Унга кўра "фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга кириштиш"дир. Ушбу таъриф фирибгарликнинг жиноят ҳуқуқий таърифи ҳисобланади.

Тўртинчи: деярли барча ривожланган хорижий давлатлар жиноят қонунда фирибгарлик учун жавобгарлик белгиланган.

Қозоғистон (ЖК 190-моддаси), Арманистон (ЖК 178-модда), Азарбайжон (ЖК 178-модда), Молдова (ЖК 190-модда), Грузия (ЖК 180-модда), Украина (ЖК 190-модда), Беларусия (ЖК 209-модда) ва Россия (ЖК 159-модда) жиноят қонунларида фирибгарлик учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, фирибгарликнинг таърифи Ўзбекистон жиноят қонунда келтирилган таъриф

---

---

билан ўхшаш мазмунда акс эттирилган. Шу билан бирга айрим хорижий давлатлар жиноят қонунида фирибгарликни турларга ажратилиб жавобгарлик белгиланган.

Хитой давлати Жиноят кодексининг 192-198-моддалари фирибгарлик учун жавобгарлик белгиланган. Хитой давлатида фирибгарлик алдов асосида жиноятнинг усули ва предмети турларига кўра, ноқонуний пул маблағларини йиғиш, сақлаш, банкдан ёки бошқа кредит ташкилотларидан фирибгарлик йўли билан кредит олиш, вексил, аккредитив кредит картлари билан боғлиқ фирибгарлик турларига ажратилган [6].

АҚШ жиноят қонунчилиги бўйича фирибгарлик деганда алдов тусига эга бўлган усул, келишув ва серқирра ҳаракатлар тизими тушинилади (АҚШ намунадаги ЖКси 224-моддаси). АҚШ жиноят қонунига мувофиқ фирибгарликнинг кўзбўямачилик тусидаги мурожаатларга оид, компьютер, банк, солиқ, почта, телемаркетинг, банкротлик, кредит карталаб орқали, тиббиёт, ҳукумат ташкилотларига қарши, сугурта, қимматли қоғозлар айланмасига оид турлари мавжуд [7].

Япония жиноят қонунчилигида фирибгарлик бошқа шахсдан мулкни алдаш орқали эгаллашни англатади (Япония ЖКси 246-модда). Япония жиноят қонунига кўра, агар шахс ўзи ёки бошқа шахс учун ноқонуний мулкий фойда кўриши ҳам фирибгарлик ҳисобланади [8].

Франция жиноят қонунчилигида фирибгарлик жисмоний ёки юридик шахсни алдов асосида чалғитиб, бегона исм, ёлғон мавқе ёки хизмат мавқеидан фойдаланиб пул, қимматли қоғозлар, моддий бойликлар ёки бошқа мулкларни ўзлаштиришда ёки уларни ўзларига наф келтирмайдиган битимлар тузишига эришишда ифодаланади [9].

Германия жиноят кодексига фирибгарлик оддий, алоҳида оғир, компьютер, субсидия олишга қаратилган, капитал киритишга оид, кредит турларига бўлинади [10]. Шунингдек, Германия жиноят қонунида тўлов ва банк карталаридан алдов йўли билан фойдаланиш, сугурта соҳасидаги ишончни сунистеъмол қилиш каби жиноят таркиблари ҳам мавжуд.

Ривожланган хорижий давлатлар жиноят қонунчилиги таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, фирибгарлик жиноятининг универсал таркиби бўлиши ижтимоий муҳитнинг бутунги ривожланиш даражасига жавоб бермайди. Фирибгарликнинг усул ва турларига кўра дифференциялашуви давр талаби бўлиб, фирибгарлик усулининг турлари уларнинг ижтимоий хавфлилигига таъсир қилади. Фирибгарлик жиноятининг объектив томонининг зарурий белгилари алдов ва ишончни сунистеъмол қилиш бўлиб, бутунги кунда ушбу жиноятнинг қўшимча белгиларига, яъни усулларига кўра бир неча турларга ажратиш мумкин. Ижтимоий хавфлилиги нисбатан баланд бўлган усулда содир этилган фирибгарлик билан ижтимоий хавфлилиги нисбатан паст бўлган фирибгарлик учун умумий норма асосида жавобгарлик белгиланиши жиноят қонунининг инсонпарварлик ва одиллик принципларига зид бўлиб қолади. Тўғри жазони индивидуаллаштириш орқали мазкур муаммони ечиш мумкин, лекин бу жиноят профилактикасида, олдини олишдаги муаммоларни ечиб бермайди. Қолаверса, судлар ҳар доим ҳам жазони индивидуаллаштиришда объектив сабабларга кўра бир хилда қарор қабул қила олмайдилар.

Фирибгарлик жинояти кўпайгани сабабли, бу турдаги жиноятларга қарши кураш самарадорлигини ошириш учун 2016 йил 26 декабрьдаги "Ўзбекистон

---

---

Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан Жиноят кодекси 168-моддаси янги таҳрирда қабул қилиниб, фирибгарлик учун жиноий жазо кучайтирилди. Хусусан, 168-модданинг олдинги таҳриридан фарқи равишда 1-қисмга уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланди. Ўз навбатида 168-модда 4 қисмдан иборат таҳрирда қабул қилинди ва ушбу модданинг 4-қисмида жуда кўп миқдорда, ўта хавfli рецидивист томонидан, уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган фирибгарликка нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазolari белгиланди.

Бу борада МДҲ давлатлари жиноят қонунчилигида фирибгарлик жинояти учун белгиланган жазо миқдори диққатга сазовор. Жумладан, Россия Федерациясининг Жиноят кодекси 159-моддаси 7 қисмдан иборат бўлсада, фирибгарлик жинояти учун жазонинг максимал муддати 5 йилгача, Беларуссиянинг Жиноят кодекси 209-моддасида 10 йилгача, Украинанинг Жиноят кодекси 190-моддасида 12 йилгача, Грузиянинг Жиноят кодекси 180-моддасида 10 йилгача, Молдавиянинг Жиноят кодекси 190-моддасида 15 йилгача, Озарбайжоннинг Жиноят кодекси 178-моддасида 12 йилгача, Арманистоннинг Жиноят кодекси 178-моддасида 8 йилгача ва Қозоғистон Республикасининг Жиноят кодекси 190-моддасида 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган.

Ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши, мулк ҳуқуқини тассаруф этиш усулларининг замонавий кўринишлари пайдо бўлиши билан мулкка тажовуз қилиш турлари ҳам замонавий кўринишларда амалга оширила бошлади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг X боби "Ўзгалар мулкни талон-торож қилиш" деб номланади ҳамда ушбу бобда турдош объектли жиноятлар рўйхати келтирилган. Ушбу бобдан босқинчилик, товламачилик, талончилик, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш, фирибгарлик ва ўғирлик жиноятлари учун жавобгарлик белгиланган.

Фирибгарлик жиноятининг диспацицияси умумий мазмун билан акс этирилганлиги, қилмишнинг махсус объектига ёки содир этиш усулига ишора берилмагани сабабли қилмишни фирибгарлик сифатида квалификация қилишда турли муаммолар учраб туради. Натижада, ЖКнинг фирибгарлик учун жиноий жавобгарлик белгилловчи нормасини қўллашда Республиканинг турли ҳудудларида турлича ёндашувларни учратиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми 2017 йил 11 октябрда қонун нормаларини қўллашдаги бир хилликни таъминлаш учун "Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 35-сон қарорини қабул қилиб фирибгарлик тушунчасига кенгайтирилган таъриф берган. Унга кўра, фирибгарлик ўзганинг мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқини алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қонунга хилоф равишда ва текин қўлга киритишда ифодаланиб, бунинг таъсирида мулкдор (унинг вакили), мулкнинг бошқа эгаси ёки ваколатли орган мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга беради, ёнки ушбу мулк ёки унга бўлган ҳуқуқ бошқа шахс томонидан олиб қўйилишига имконият беради. Олий суд Пленуми фирибгарлик тушунчасига кенгайтирилган таъриф бергани ижобий ҳолат ҳисобланса-да, бу билан квалификациядаги муаммолар тўлиқ бартараф этилди деб бўлмайти. Шу сабабли, фирибгарлик тушунчасини кенг таҳлил қилиш ҳамда фирибгарлик

---

---

жинояти усулига кўра жавобгарлик белгилаш ва жиноят қонунига айрим усулдаги фирибгарлик учун янги таркибларни киритиш, яъни айрим усулларда содир этилган фирибгарликни криминализация қилиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Илмий адабиётларда фирибгарлик тушунчаларига турлича таърифлар берилган. **Фирибгарлик** тушунчасига илк доктринал таърифни Н.С.Танцев томонидан берилган бўлиб, у "фирибгарлик - шахс томонидан ўзганинг мулкни алдов йўли билан ўзлаштириш бўлиб, фирибгарлик мақсади шунда ифодаланадиги, жабрланувчида фирибгар мулкни эгаллашга, ўзига фойдали шартларда битим тузишга ҳуқуқий асосга эга деган фикрда бўлади", деган[11].

Юридик фанлар доктори, профессор Қ.Абдурашулова "...фирибгарлик бошқа ўхшаш жиноятлардан фарқлари, бу жиноят таркибининг тўла ёритилмаганидир" деб фикр билдириб, "фирибгарлик-бу бировнинг мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқини алдаш йўли билан эгаллашдир" деб таъриф берганлар [12].

Юқорида келтирилган фирибгарлик таърифлари қисқа ва лўнда шаклда келтирилган бўлиб, бугунги кунда ҳам ушбу таърифлар ўз актуаллигини йўқотмаган. 2017 йил 11 октябрдаги Олий суд Пленуми тушунтиришларида фирибгарликка кенгайтирилган таъриф бериш зарурати мавжудлигини билдиради.

Бугунги кундаги ижтимоий-сиёсий вазиятни, фирибгарлик жиноятининг динамикасини иноабтга олиб фирибгарликка қуйидаги мазмунда таъриф келтирсак мақсадга мувофиқ бўлади: **Фирибгарлик** ўзганинг мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқини алдаш ёки ишонччи суиистеъмол қилиш йўли билан қонунга хилоф равишда эгалланишида, шунингдек мулк ёки мулккий ҳуқуқ текин қўлга киритилишида ифодаланиб, бунинг таъсирида мулкдор ёки ваколатли орган мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга беради, ёинки ушбу мулк ёки унга бўлган ҳуқуқ бошқа шахс томонидан олиб қўйилишига имконият яратиб беради.

---

#### Иқтибослар/Сноски/References

---

1. Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йил 15 ноябрдаги "Тартиб-интизом ва масъулиятни кучайтириш, жиноятчиликнинг олдини олиш муҳитини мустаҳкамлаш - ҳуқуқбузарлик профилактикаси самарадорлигининг асосий омилдир" номли марузаси. (Sh.M. Mirziyayev's report titled "Strengthening discipline and accountability, strengthening the prevention of crime prevention is a key factor in the effectiveness of the prevention of abuse", issued in November 2017.) [www.uza.uz/](http://www.uza.uz/)

2. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Илмий-тадқиқотлар маркази маълумоти. (Information from the Research Center of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan)

3. Ақобиров С.Ф., Алиқулов Т.А. ва бошқалар. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. II. З.М.Маъруфов таҳрири остида. Москва, "Рус тили" нашриёти 1981 й. 301-Б.

(Akobirov S.F. Aliqulov T.A. and so on. Dictionary of English. II. Under Z.M.Ma'rufov's revision. Moscow, Russian language publishing house 1981, P-301.)

4. Муслим 1/164; Доримий 2/2596; Ибн Можжа 2/2225; Аҳмад 2/9385; Ҳоким 2/2154-2156; Табароний "Мўъжам ал-авсат" 1/993, 3/2490, 4/3773, 4203, 8/8360; "Мўъжам ал-кабир" 11/11553, 22/524; Байҳақий "Сунан ал-кубро" 5/10743; Суютий "Жамъ ал-жавомеъ" 1/100, 5763, 5765-5767; Ҳайсамий "Мажмаъ аз-завоид" 4/6345-6348; Абу Авона 1/123; Ибн Абу Шайба "Муснад" 1/721; "Мусаннаф" 7/23607; Табризий 2/3520; Таҳовий 3/1136; Абу Нуайм "Маърифат ас-саҳоба" 11/3663. (uslim 1/164; Dorimiy 2/2596; Ibn Mojjja 2/2225; Ahmad 2/9385; Governor 2 / 2154-2156; Tabariani "Mujam al-avsat" 1/993, 3/2490, 4/3773, 4203, 8/8360; "Mujam al-Kabir" 11/11553, 22/524; Bayhaqi "Sunan al-kubra" 5/10743; Suyuti 'Jam' al-jawome' 1/100, 5763, 5765-5767; Haysami "Majma 'az-zavoid"

- 
- 4 / 6345-6348; Abu Avona 1/123; Ibn Abi Shayba said, "Musnad" 1/721; "Musannaf" 7/23607; Tabriziy 2/3520; Tahawi 3/1136; Abu Nu'aym said, "Ma'rifat as-sahaba" 11/3663)
5. [http://islomiy.info/hadis/index.php?act=book&sec=17&b\\_id=40&s\\_id=3800](http://islomiy.info/hadis/index.php?act=book&sec=17&b_id=40&s_id=3800)
6. Коробоева А.И. и Чучаева А.И., пер. С китайского проф. Хуан Даосю. Уголовный кодекс Китая. М.: ООО "Юридическая фирма контракт", 2017. -ст. 98-102. (Koroboeva A.I. and Chuchaev AI, trans. From the Chinese prof. Juan Daoos. Criminal Code of China. М. : LLC "Law Firm Contract", 2017)
7. Савченко А.В. Уголовное законодательство Украины и федеральное уголовное законодательство США. Киев: КНТ, 2007. -С.596. (Savchenko A.V. Common law of Ukraine and the US federal criminal law. Kiev: CST, 2007. -P.596.)
8. Коробоева А.И. Уголовный кодекс Японии. СПб., Юридический центр Пресс., 2002. - С.226. (Koroboeva A.I. Penal Code of Japan. SPb., Legal Center Press., 2002. - P.226.)
9. <https://constitutions.ru/?p=5859>
10. <https://constitutions.ru/?p=5854>
11. Таганцев Н.С. Уложение о наказаниях уголовных и исполнительных 1885г. СПб, 1906. С.867. (Tagantsev N.S. Code of Criminal and Executive Penalties 1885. St. Petersburg, 1906. P.867.)
12. Абдурасулова Қ. Фирибгарликнинг жиноят ҳуқуқий муаммолари. Юрид. фа. номзоди...дисс. - Тошкент: 1996. -14б. (Abdurasulova Q. Criminal legal issues of fraud. Jur.scien.can ... diss. -Tashkent: 1996. -P.14.)